



Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор Ш.С.Сафаров.
Такризчилар: тарих фанлари номзоди, доцент Б.Тўракулов, филология фанлари номзоди, доцент Н.Бегалиев.

Ушбу рисолада Самарканд шахрининг тарихий минтақасида XI асрлардан ташкил топган 75 маҳалланинг вужудга келиши, жугрофий жойлашиши, кўшни маҳаллалар билан чегарадош эканлиги, тарихий шахслар, шоирлар, олимлар, қосиб ва меъморлар тўғрисидаги қисқа маълумотлар келтирилган.

Кириш

Инсоният тарихида жуда кўп ижтимоий қадриятлар таракқиётнинг асосий омили бўлиб хизмат қилган. Марказий Осиё халқлари тарихида салмоқли рол ўйнаган маҳалла типидagi жамоа ҳам ана шундай ижтимоий қадриятлардан бири саналади.

Ушбу рисолада Самарканд шахрида XI асрлардан бошлаб ташкил топган маҳаллалар тарихий ва ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топди. XIV-XV асрларда маҳаллалар тизими шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ривожланишида катта рол ўйнади. Кейинги даврларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришининг бу шакли Самарканд шахрининг маданий ва маънавий раънақини таъминлади.

Мазкур китобда Самарканд шахрида XI - XXI асрларда вужудга келган 75 маҳалла тўғрисидаги қисқача маълумотлар келтирилди.

Шаҳримиз маҳаллалари тўғрисидаги маълумотлар ўзбек, рус, инглиз, қорейс ва турк тилларида берилмоқда. Тарихий маълумотларни рус тилига М. Меликова ва А. Ақобирова инглиз тилига филология фанлари номзоди Г.Раҳимов иқтидорли талабалардан. А.Жураева, З. Шарипова, қорейс тилига ўқитувчилар Ким Так Чёль, А. П. Эм. ва Н. А. Расулов, иқтидорли талабалар Д. Ҳамроқулова, Д. Шарипова, Д.Шоқирова, турк тилига ўқитувчи Зейне Полат, талабалардан Э. Беқирова, А. Акбаров, Р.Қулиев ва

Г.Фозиловлар таржима қилдилар. Фурсатдан фойдаланиб, хорижий мутахассислар, институт ходимлари ва ижодкор талаба-ёшларига миннатдорчилик билдираман. Рисола ёш илмий ходимлар, тадқиқотчилар, аспирантлар ва кенг китобхонларга мўлжалланган.'

Самарканд маҳаллалари тўғрисида қисқача маълумотнома

ГОТФАР (ГОТИФАР) – Абулкосим Фирдавсийнинг «Шохнома» асарида ёзилишича, Готфар Мовароуннахрнинг ислом истилосигача бўлган даврдан харбий бошлиғи эди. Бу тўғридаги маълумотларни XIX аср тарихий манбаларида ҳам учратиш мумкин. Готфар маҳалласи Шахристон (Хозирги Афросиёб) ҳудудидаги Исфизор маҳалласига чегарадош бўлиб, унинг ҳудудидаги Новадон ва Готфар ариклари устида қурилган кўприк бор эди.

XVI асрнинг ҳуқуқий ҳужжатларида Абу Тохир Хожанинг «Самария» асарида Готфар маҳалласи аркнинг гарбий-шимолий қисмида жойлашганлиги ёзилади. Бу сарзаминда авлиёлар, диний уламоларнинг хоки-пойи мавжуд. Жумладан, Хожа Абулфаворис Бағдодий, имом Ломиший, Умар бин Аҳмад Марғилоний, Искандар Дермий, Хожа Зайниддин Димиший, «Тали тўгон» тепалигида Ҳазрат Шамс улайимойи Халвоий, Хожа Дурюзагар, Хожа Мўйтоб каби ислом оламида таникли шахслар қўмилган. «Тали муҳаррабон» тепалигида эса Хожа Готфарий дафн этилган.

XI асрда Умар Хайём яшаган бу маҳаллада шоир ва олимлар Хожа Шамсиддин Готфари, Хожа Мавлоно Готфари, меъмор Рафик ибн Абдулло қабилар истикомат қилишган.

XII аср тарихшуноси Низоми Арўзи Самаркандий бу минтақада кипарис ўсимлиги қўплигини ёзган эди. Маҳалладошлар асосан ҳунармандчилик, дехқончилик ва савдо билан шугулланганлар.

ФАКИХ АБУЛЛАЙС. Самарканд шаҳрининг жанубий-шарқий минтақасида X асрда барпо бўлган бу маҳалла Жўғихона, Мирзо Пўлод, Ялангбек ва Дари Занжир маҳаллалари билан чегарадош.

Маҳалла ҳудудида мадраса, масжид, хужралар, таҳоратхона, ховуз, мактаб бинолари, бакколлик, гўшт дўконлари, қарвонсарой мавжуд бўлган. Чоқардиза қабристонининг бир қисми шу маҳаллага туташ жойлашган.

Маҳалла X асрнинг алломаси «Бўстонгул Орифин» асарининг муаллифи Абдуллайс Наср ибн Муҳаммад Самарканди номи билан юритилади. Алломанинг авлодлари XVIII асргача ушбу сарзаминда яшаганлар. Мутафаккирнинг авлодларидан бири Жалолиддин Фазлуллоҳ Абдуллайс (1406-1469 йй) буюқ шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийга устозлик қилган эди. Абу Тохир Хожа «Самария» асарида «Яъқуб Абдуллайс самаркандлик факих Ҳазрат Абдулайс наслидандир. Унинг қабри факих Абдуллайс маҳалласида», деб ёзилган. (41-бет). Бу минтақада таникли олим Журжоний, шоир Умур Боки, гилкор, меъмор ва ганчкор усталар Дадажон, Абдуқодир ва Абдурашидлар яшаб ижод қилганлар.

ДАРИ ЗАНЖИР. XVI- XVII асрларда маҳалла Хаёти Хон (Хоннинг ховлиси) номи билан

юритилган. Маҳалла XIV асрнинг охирида вужудга келган бўлиб, ислом динига жиддий эътикод қўйган фуқаролар хотин-кизларни маҳрам (яъни номаҳрам одамларнинг нигоҳидан саклаш)она яшашлари учун эшикларни занжирлаб истикомат қилганлиги учун XVIII асрдан бошлаб занжирланган эшик номи билан юритилган.

Маҳалланинг аксарият аҳолиси Зомин туманининг Култепа кишлоғидан қўчиб келганлар. Абу Тохир Хожанинг «Самария» асарида, ёзишча «Дарвиш Холид мазори Дари Занжир маҳалласидадир. У Хусайн Хоразмийнинг халифаларидан бўлиб, сулуки жаҳрия экан. Дари Занжир Амир Темур Қўрагон хотинининг работи бўлиб, Чокардизанинг гарб томонида ва мусулмонларнинг қабристонига туташган», деб қайд қилинган.

Маҳаллада XVIII асрда қурилган мадраса, мактаб, ховуз (унинг зиналари 18 қатор бўлиб, арча ёғочидан қурилган), савдо дўконлари фаолият қўрсатган.

Тарихнависларнинг ёзишча, маҳалла масжиди Самарканднинг муқаддас жойлардан бири эди. Масжид шайх Абу Мансур Мотуридий масжидининг яқинида жойлашган. Бинони тошкентлик Орифжонбой мелодий 1834 йилда янғидан пишиқ гишт ва ганч билан қурган экан.

Маҳалла фуқаролари таникли усталар ва меъморлар Амонулло, Абдуҳаким, Шамсиддин, Расул, Азим, Зайниддин, Юнус, Ҳаким ва Раҳматжон қабри шахслар билан фахрланганлар.

Қўқ масжид. Ушбу ном билан аталган маҳалла жуда қўқ асарларда тилга олинади. Жумладан, Абу Тохир Хожанинг «Самария» асарида Қутби Чаҳордахўм мазори тўғрисида сўз юритилиб, унинг асл номи Шайх Нуриддин Басир эканлигини, онаси билан Нўшкент (Тошкент вилояти қишлоқларидан бири)дан Самаркандга қўчиб келиб, Новадон булогининг ёқасида Қўйи қўпононда сабзаранг ёки «Масжиди қабуд» (турклар «Қўқ масжид» деб атаганлар) масжидида қўниб (1242 й) шунда ўрнашганлигини» ёзади. Демак, «Қўқ масжид» мусулмонларнинг диний эътикод қиладиган маскани бўлибгина қолмасдан, у тарихан қўқна маҳалла ҳамдир.

Қўқ масжид маҳалласи Самарканднинг Арқи қаршисида, шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида вужудга келган. Маҳалла XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Новадон маҳалласи таркибида бўлиб, шимолдан Қўфи Розик ва Юсуфбой, шарқдан Қўшховуз, жанубдан Тағи шўр ва Бўстониҳон, ғарбдан Новадон ариғи билан чегарадош бўлган.

Бу маҳаллада ҳунармандлар, усталар, савдогарлар, саройбонлар, олимлар истикомат қилганлар. Жумладан, машҳур шашмаком устаси Ҳожи Абдуазиз Абдурасулов, академиклар Алоvidдин Баҳовиддинов, Ислом Зоҳидовлар шу маҳалла фарзандларидирлар.

БОҒИ МАЙДОН. Маҳалла Регистон меъморий ансамблининг орқа томонида, қосиблар жамоаси Заргарон, Қўқ масжид, Тағи Шўр билан чегарадош бўлиб, XVII-XVIII асрларда вужудга келган.

Ушбу ном билан юритилган яна Боғи майдон-2 ва Боғи майдон-3 маҳаллалари ҳам Боғи майдонга қўшни ҳисобланади. Маҳалланинг фуқаролари XIX-XX асрнинг биринчи чорағида Самарканд туманига қарашли Боғи майдон қишлоғидаги дала ҳовлиларида ёзда дехқончилик, боғдорчилик билан шугулланишиб, қишда шаҳардаги ҳовлиларига келганлар. Шўролар даврида қишлоқлар қолхозлар тасарруфига ўтиб, аҳолининг бир қисми шаҳарда яшашга мажбур бўлдилар.

Маҳаллада иккита масжид қурилган эди. Улардан бирини «Масжиди муқатта» деб аташган. Муқатта атамасининг маъноси «Ислима» ва «Хитой» усулида кичик қилиб қесилган ёғочдан қурилган бино маъносини англатган. Бу масканда мадраса ҳам қурилган.

Маҳалла аҳолиси бош қийим тикиш, савдо, хунармандчилик, меъморчилик билан шугулланганлар.

КЎШ ХОВУЗ. Маҳалла XV асрда Самарканд шаҳрининг шимолий-ғарбий минтақасида вужудга келган. Маҳалла шимол томондан Хўжажон Хўжа, шарқдан Сўфи Розик ва Маддоҳи, жануб томондан Тағи Шўр ва ғарбдан Кўк масжид ва Юсуфбой маҳаллалари билан чегарадош.

Маҳалла ҳудудида мадраса, иккита масжид, мактаб, хаммом, учта мазор, баққолик дўконлари, қарвонсарой, атторлик бозори, икки қаватли ховуз ва бошқа тарихий бинолар мавжуд бўлган. Ховузнинг бирида сув лойқадан тозаланиб, иккинчи ховузга қўйилгач, уни истеъмол қилиш мумкин эди.

Маҳаллада машҳур таржимон Мирзо Кўқандбой, шоир Саидахмад Васли, наққош Маҳмуд, меъмор Абдуқодир Боқиев ва шоир Фикри яшаб ижод қилганлар.

Маҳалла ҳудудида яҳудий миллатига мансуб маҳаллий бойлардан бирининг ҳомийлиги билан яҳудий хотин-қизларининг синагоги очилган эди. Ҳозирги вақтда синагога тугатилиб, унинг биносида кўзи кўрларнинг клуби фаолият кўрсатади.

Маҳалла фуқаролари композитор Ўзбекистон халқ артисти, профессор Дони Зоқиров, академиклар Минҳож Гуломов ва Ислон Зоқидов, профессорлар Бобоқул ва Мардонқул Рустамовлар билан фахрланадилар.

МАҲДУМИ ХОРАЗМ. Маҳалла XV-XVI асрларда ташкил топди. Унинг номи шу минтақада яшаган тасаввуф тариқатининг буюк намояндаси, Аҳмад Яссавий таълимотининг давомчиси Маҳдуми Хоразм номи билан боғлиқ.

Маҳдуми Хоразм ислом оламида салмоқли ўрин эгаллайди. Унинг қарашларига оид талайгина диний ва тарихий манбалар мавжуд. Абу Тохир Хожанин «Самария» асарида бу улуг зотнинг хизматлари Самарқандда Яссавия ва нақшбандия тариқатларини ривожлантиришдаги роли билан изоҳланади. Ушбу асарнинг 22-бетида «Гори ошиқон»даги суфийлик хужралари, муқаддас жойлар ва қиллада ўтиришни ихтиёр этган диндорларга яратилган қулайликлар, 41-бетда Мавлоно Дарвишнинг Маҳдуми Хоразм билан гоёвий яқинлиги, машҳур «Хидоя» асарининг муаллифи Бурхониддин Марғилонийнинг издоши эканлиги тўғрисида далиллар келтирилган.

Маҳдуми Хоразм маҳалласи шимол томондан Қози Қалон, шарқий томондан Яҳудийлар маҳалласи билан, жанубдан Қози Ғафур ва ғарбдан Урмитан (шаҳар ариғи ёнида) маҳаллалари билан чегарадош. Маҳаллада, асосан, темирчилар ва мих ишлаб чиқарувчи хунармандлар яшаганлар. Унинг ҳудудида Қози Ғафур мадрасаси, масжид, ховуз, хужралар, таҳоратхона, савдо дўконлари ва қарвонсаройлар мавжуд эди.

Маҳаллада Улугбек мадрасасининг таниқли мударриси Миржалолiddин, шоирлар Сипанди, Н.Писанди, наққошлар А.Латипов ва Абду Зоқид ва бошқа халқ усталари истикомат қилганлар.

ТАҒИ ШЎР. XV-XVI асрларда Самарқанд шаҳрининг шимолий-ғарбий минтақасида ташкил топган. Тағи шўр маҳалласи шимолдан Урмитан, шайбонийлар Кўш мадрасаси,

шимолий-ғарбдан Кўк масжид, жанубдан Заргарон ҳамда Мағок (биноси ерга кўмилган маъносида) масжидига чегарадошдир.

Маҳалла ҳудудида Бозори сандук ҳаммоми, бакколлик дўкони, почта, харбий комиссариат, таъмирлаш устахонаси, тўрт бурчакли ва зинапоялари арча ёғочидан қурилган ҳовуз, 3 та қарвонсарой мавжуд эди.

XX асрнинг 60-йилларида маҳалланинг ҳудуди бузилиб, унинг ўрнида Юбилей ресторани (2005 йилда бузилиб, Регистон майдониغا кўшилди), савдо дўконлари барпо қилинди.

МОТРУДИ. Маҳалла XVI-XVII асрда Самарканд шахрининг шимолий-ғарбий минтақасида барпо қилинди. Маҳалланинг жанубий-ғарбий ҳудудида Регистон майдони, шимолий-ғарбий қисмида Боғи майдон маҳалласи (Арқ дарвозаси, Арқ ҳаммоми ва Арқ масжидига) жойлашган. Бу минтақада Пои илм (Илм маркази) мадрасаси қурилган эди. Бундан ташқари мактаб, ҳовуз, таҳоратхона, бакколлик дўконлари, иккита қарвонсарой фуқаролар манфаати учун фаолият кўрсатган.

Ушбу маҳаллада машҳур шариятшунос, тарикат арбоби шайх Мансур Мотуриди яшаган. Аҳолиси Самарканд туманининг Мотрид қишлоғидан бўлиб, улар дехқончилик билан шугулланганлар.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб маҳалла минтақаси бузилиб, унинг ўрнида кўп қаватли турар жойлар, Қинап заводи ишчилари учун уйлар, шоирлар боғи, ётоқхоналар қурилди.

БОГИ МАЙДОН-1, 2 ВА 3. Маҳалла XVII-XVIII асрларда ташкил топди. Жамоа чегарасининг шимолий-ғарбий қисмида Зарғари, Новадон ва Кўк масжид, шарқий ҳудудида Тағи шўр ва Регистон майдони жойлашган.

Маҳаллада тўртта мадраса, бешта масжид, мактаб, учта ҳовуз, ҳонако, қарвонсарой, бакколлик дўконлари, устахоналар, кўплаб боғлар, зарғарлик расталари мавжуд эди.

Бу тарихий масканда талайгина таниқли шоирлар ва маданият арбоблари истикомат қилганлар. Жумладан, Нақибхон Тўғрал, шоир ва маорифпарвар Абдуқайуми Қурби, ганҷкор Юнус Азизов, халқ оғзаки ижоди дурдоналарини тўплаган М.Исомова, У.Орипов, М.Ортиков, Х.Жалолова, М.Жўраев, Т.Нарзикулов, Ч.Орифжонова, А.Ортиков, Х.Останова, Ч.Раҳмонов, С.Ғозилова, Д.Жўраевалар ижод қилганлар.

КУЛОЛОН. Маҳалла XVII асрда майдонга келган бўлиб, Самарканднинг жанубий минтақасида жойлашган. Шимолдан Дегчабирён, шарқдан Эски Қаландархона, ғарбдан Луччакон, жанубдан Дониёрбек маҳаллалари билан чегарадош.

Маҳалла ҳудудида Ҳазорчашма булоғи, учта мазор мавжуд. XVIII асрдан бошлаб қулолчилик қасби ривожланди. Наврўзи қосағар, усталар Одина, Қўзи, Қобил, Умар Жўрақуловлар ота қасбини XX асрнинг охиригача мунтазам ривожлантирдилар.

БУЛБУЛАК. Бу маҳалла жамоаси XVII асрда ташкил топди. Унинг жуғрофий жойлашиши Самарканд шахрининг жанубий-ғарбий минтақасига тўғри келади. Шимолдан Қози Абдурасул, шарқдан Ҳонако, ғарбдан Ҳовузи Сангин ва жанубдан Хон Саид Имом маҳалллари билан чегарадошдир.

Маҳалланинг номидан маълумки, бу ерлик қосиблар ва ҳунармандлар асосан болалар учун ҳуштак ва бошқа ўйинчоқлар ишлаб чиқариш билан шугулланганлар.

УРГУТИ. Маҳалла XVIII асрда Самарканд шаҳрининг шарқий ва жанубий-шарқий минтақасида вужудга келган. Шимолдан Зомини, Ёмини, жанубдан Баланд кўпрук, гарбдан Мирзо Пўлод ва шарқдан Регистон майдони билан чегарадошдир.

Маҳалла XVIII асрда Самарканд шаҳрида юз берган табиий офат, яъни кургокчилик туфайли бўшаб қолганда бошқа вилоят ва қишлоқлардан кўчиб келтирилган аҳоли ҳисобидан тўлдириш натижасида барпо бўлган. Бу минтақага асосан вилоятнинг Ургут туманидан фуқаролар кўчиб келишган.

Аҳоли нон ва нон маҳсулотлари, тўқимачилик, пойафзал тўқиш ва савдо-тижорат билан шугулланган. Мўкидўз Абдусалом бобо, Абдурахмон бобо, заргар Шароф бобо, сандиксоз Сайфиддин бобо, халк термаси устаси К.Шарипов, С.Шарофиддинов авлод-аждоди билан ота касбини ардоқлаб келадилар.

Маҳалла ҳудудида мадраса, иккита масжид, иккита ҳовуз, таҳоратхона, хужралар, қарвонсарой ва бакколлик дўконлари фаолият кўрсатган.

ШАХРИСАБЗИ. Самарканд шаҳрининг шарқий ва жанубий минтақасида XVIII асрда маҳалла ташкил топди. Жамоанинг вужудга келишига Самарканд шаҳрида бошланган кургокчилик ва маҳаллий аҳолининг очликдан қирилиши сабаб бўлган эди. Бухоро амири Шохмуроднинг буйруғи билан ўлканинг бошқа вилоят ва шаҳарларидан аҳоли кўчирилиб шаҳарни тўлдиришга тўғри келди. Бошқа вилоятлар қаби Шаҳрисабздан ҳам кўплаб оилалар Самаркандга кўчиб келдилар ва янги маҳаллаларни ташкил қилдилар.

Маҳалла шимолий-шарқий томондан Ургути, гарбда Хавзи баланд, жанубда Қози Абдурасул маҳаллалари билан чегарадош. Аҳоли асосан қосиб, тўқувчи, қулоллик, тандир яшаш билан шугулланган. Усто Қарим тандир яшаш қасбини авлоддан авлодга етказишга эришган эди.

ЗАРГАРОН. Самарканд шаҳрининг гарбий минтақасида XVII-XVIII асрларда Заргарон маҳалласи ташкил топган. Маҳалла шимолий-гарбдан Регистон майдони, жанубий-шарқдан Боғи майдон, шимолдан Тағи Шўр ва гарбдан Новадон маҳаллалари билан чегарадош. Маҳалла аҳолиси олтиндан хотин-қизлар тақинчолари, қумушдан рўзгор буюмлари, рангли металдан турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шугулланган.

Маҳаллада масжид, таҳоратхона, хужралар, ҳовуз, қарвонсарой, савдо расталари, қимматбаҳо буюмлар билан савдо қилувчи махсус дўконлар бор эди.

Фуқаролардан О.Тошмухаммедова ва М.Қодирова халқ эртақлари айтиш билан шинавандаларга қувонч бағишлаган эди. Собик маҳалла ҳудудининг бир қисмида 2-сон ўрта мактаб биноси барпо қилинди.

КАШКАРИ. XVIII асрда вужудга келган бу маҳалла Самарканд шаҳрининг шимолий-шарқий минтақасида жойлашган. Шимолдан Шайхулислом, шарқдан Сўфи Розик ва Ҳожа Зудмурод, жанубдан Юсуфбой ва гарбдан Новадон маҳалллари билан чегарадош.

Маҳалланинг аҳолиси асосан Хитойнинг Қашқар вилоятидаги дунган қавмига мансуб бўлиб, турли сабаблар билан Самарканд шаҳрига келиб яшаганлар.

Ушбу ҳудудда масжид, мактаб, ҳовуз, булок, бакколлик дўконлари, мадраса мавжуд бўлиб, маҳаллий халқ уйғур таомлари тайёрлаш билан шугулланган. Маҳалла кейинчалик Чапаев номи маҳаллага қўшилган.

ЗОМИНИ. Самарканд шахрининг жанубий-шарқий минтақасида XVIII асрда ташкил топди. Шаҳарда аҳоли юз берган қурғокчилик ва очликдан бўшаб қолганлигидан ва уни мамлакатнинг бошқа вилоят ва қишлоқларидан қўчиб келган мухожирлар билан тўлдириш натижасида Ёмини туманидан бир неча оила бу ерда доимий яшаб қолган. Маҳалланинг шимолий қисмида Каварзор, жанубида Ёмини ва Ургути, ғарбида Мирзо Пўлод, шимолида эса Чоқардиза жойлашган. Унинг ҳудудида масжид, ҳовуз, таҳоратхона, мактаб, бакколлик дўконлари ва Қутби ёздаҳўмнинг макбараси мавжуд.

КОЗИ ГАФУР. Маҳалла XVIII асрда ташкил топди. Бу тарихий маскан Самарканд шахрининг шарқий қисмида жойлашган. Шимолдан Дари занжир, ғарбдан Ҳовузи баланд, жанубдан Ялангбек, шимолдан Маҳдуми Ҳоразм маҳаллалари билан чегарадош.

Аҳоли асосан метални қайта ишлаш, чилангарлик, аравасозлик, миллий тўн тикиш, қўн маҳсулотларини ишлаб чиқариш, савдо ва тижорат билан шугулланган.

Маҳаллада иккита мадраса, иккита масжид, мактаб, ҳовуз, таҳоратхона бор эди.

Раҳмати гилкор, шоир Рафӣқ ва Хилъат, аравасоз Мирсоле, жомадўз Абдуқодир каби қосиб ва ҳунаромандлар ҳаёт кечирганлар.

УРМИТАНИ. Маҳалла Самарканд шахрининг шарқий минтақасида вужудга келган. Унинг шимолида Қози Қалон, шарқида Шарбатдор, жанубида Маҳдуми Ҳоразм, ғарбида Қорабой оксоқол маҳаллалари чегарадошдир. Маҳалланинг аҳолиси Зарафшон дарёсининг юқори оқими Урмитан (Панжакент тумани) қишлоғидан XVIII асрда қўчиб келганлар.

Урмитанликларнинг Самарканд шахрига мухожир бўлишлари ҳам Бухоро амирининг шаҳарни аҳоли билан тўлдириш ҳақидаги буйруғи билан боғлиқ. Бу даврда 24 маҳалла ташкил топиб уларга турли шаҳар ва қишлоқларидан фуқаролар қўчиб келган эди.

Аҳоли метални қайта ишлаш, қулоллик, савдо билан шугулланган.

Маҳалланинг иккита масжиди бўлиб, бири масжиди Чилангари деб аталган. Таниқли уста, меъмор Шамсиддин Гафуров ва унинг авлодлари ота қасбини узок йиллар давом эттирганлар.

Маҳалланинг собиқ ҳудудида 1-сон шаҳар поликлиникаси ва А.Навоий кинотеатри бинолари барпо қилинди.

ЁМИНИ. Маҳалла Самарканд шахрининг шарқий ва жанубий қисмида вужудга келган бўлиб тарихий манбаларда Ёмини-1 ва Ёмини-2 маҳаллаларидан иборат эканлиги қайд қилинади.

Маҳалланинг шимолий ва шимоли-ғарбида Тошқанди, шимолий ва шимоли-шарқида Зомини ва Ялангбек, жанубида Мулиён (ҳозирги Қаландархона) жамоалари жойлашган. Маҳалланинг маҳаллий аҳолиси XVIII асрнинг биринчи ярмида Зомин туманининг Ём ва Панжакент (Тожикистон Республикаси)нинг Фон қишлоқларидан қўчиб келганлар.

Аҳоли, асосан, тўқимачилик, ип йиғириш, бинокорлик, новвойлик, нўхат пишириш, савдо билан шугулланган.

Ушбу минтақада масжид, таҳоратхона, ҳужралар, ҳовуз, 3 та мазор (бири Чилламазор), мактаб, қарвонсарой, бакколлик дўконлари фуқароларга хизмат қилган.

Маҳалланинг гилқори Қобил бобо, Самад бобо, новвой Қурбон бобо, халқ оғзаки ижодининг билимдони Раҳмон Эгамбердиев каби қосиб ва маданият ходимларини

хозир ҳам ҳурмат билан эслайдилар.

КАВАРЗОР. Маҳалла XVIII асрда Каварзор ариги ёнбошида, Самарканд шаҳрининг шарқий ҳудудида вужудга келди. Унинг жанубий-шарқий қисмида Ёмини, Зомини, Факих Абдуллайс, Чокардиза, Оби Машҳад, шимолий-ғарбида Кафтархона, Ражаб Амин, Даштак маҳаллалари чегарадош.

Маҳалланинг минтақасида иккита масжид, иккита мактаб, учта қарвонсарой, таҳоратхона, хужралар, тегирмон, бакколлик дўконлари мавжуд эди. Аҳоли, асосан, ҳунармандчилик, савдо, деҳқончилик ва боғбонлик билан шугулланган.

Бу сарзаминда қавар ўсимлиги сероблиги боис, халқ табиблари ундан турли дориворлар тайёрлаганлар, ёгчилар жувозда ушбу шифобахш ўсимлиkning уругидан ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқарганлар. Маҳаллий халқ бу ерда яшаб ижод этган шоир ва мураббий Мардонкул Муҳаммадқуловни эҳтиром қилганлар.

ХАВОСИ. Маҳалла XVII асрда Самарканд шаҳрининг шимолий минтақасида вужудга келди. Кейинчалик Хавоси маҳалласи Хавоси-1 ва Хавоси-2 маҳаллаларига бўлинди. Маҳалла шимол томон Юсуфбой, шарқдан Минори Каж, Бибихоним масжиди, жанубий-ғарбдан Пасткишлок (Моховхона) билан чегарадош.

Бу маҳалла аҳолиси XVIII асрнинг биринчи яримида Жиззах вилоятининг Урсатьевский станциясидаги Хавоси қишлоғидан қўчириб келган. Улар асосан ўзбек ва туркман миллатларига мансуб фуқаролар эди.

Маҳалла фуқаролари узум ва бошқа мевалардан шинни ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Ширинлиkning бу хилини ҳунармандлар Афросиёб тепалигида жойлашган шиннихонада тайёрлаб, махсус жойларда сақлаганлар.

Бу тарихий масканда иккита масжид-масжиди Болоғузар ва масжиди Пастғузар барпо қилинган. Мактаб, мадраса, қарвонсарой аҳоли хизматида бўлиб, одамлар 5 та мазорга сизинганлар. Бу ҳудудда XX асрнинг биринчи чорагида 1-клиника қасалхонаси биноти қурилади ва Республика микёсидаги қасалхонага айлантирилади.

ШАРБАТДОР. Самарканд шаҳрининг шарқий минтақасида XVIII-XIX асрларда вужудга келган. Маҳалла шимолдан Қорабой оксоқол, шарқдан Қози Қалон, жанубдан Маҳдуми Қоразам, ғарбдан эса Урмитани ва Меҳр Султонхоним (ёки Шайбонийлар Қўш мадрасаси) билан чегарадошдир.

Маҳаллий аҳоли асосан ширинлик шарбатлари, қанд маҳсулотлари, металл ва ёғочни қайта ишлаш, фонул ясаш қабил ҳунармандчилик билан шугулланган.

Бу минтақада мадраса, масжид, мактаб, таҳоратхона, хужралар, ҳовуз, бакколлик дўконлари ва қарвонсарой фаолият қўрсатган. Қасан халвоғар, Барот шираворпаз, Абдуқамид аттор, Мамадқул мисғар, Шариф ҳаррот, Эгамберди сартарош, Қурмуҳаммад гилқор, Қакберди қиланғар қабил қасб-ҳунар эгалари авлод-авлод бўлиб истиқомат қилганлар.

МУБОРАҚ. (Айрим манбаларда Қуқра андақ, яъни қумушранг деб ҳам аталади).

Маҳалла Самарканд шаҳрининг шарқий ва шимолий-шарқий минтақасида XVIII асрда вужудга келган. Шимолий-шарқда Имом Қосе, шарқдан Қаҳудийлар, Шоҳқаш (маҳаллий қўлилар истиқомат қилган), жанубда Қангоули, ғарбда Қорабой оксоқол билан чегарадош. Аҳолининг бир қисми Тожиқистоннинг Ўратепа туманидан қўчиб келган.

Маҳалланинг минтақасида шинам ховлилар ва қасрлар қурилиши ривожланганлиги боис муборак деб аталган.

Маҳаллада хунардандлар ва қосиблар яшаб меҳнат қилганлар. Жумладан, Шамси, Усмон, Исмат, Боки қилқорлар, Ҳамроқул меъмор, Хайдар қавшдўз ва шоир ва ёзувчи Абдусалом Дехоти, халқ бахшиси М.Хайдарова истиқомат қилганлар.

ДАХБЕДИ. XVIII асрда Самарқанд шаҳрининг шимолий-ғарбий қисмида вужудга келди. Шарқдан Ҳавоси (Бибихоним), ғарбдан Маддоҳи, жанубдан Қўлобод (Фатҳобод) маҳаллалари билан чегарадош. Аҳоли Дахбед қишлоғидан қўчириб келтирилган. Маҳалла аҳоли асосан савдо ва хунардандчилик билан шугулланган. Бу минтақада ўрта масжид, ўрта ҳовуз, мактаб, ўндан қўпроқ катта ва қичик мазорлар, иккита қарвонсарой мавжуд эди. Абдуқодир, Мўминака, Бако ака, Мўмин Қўса биноқорлик, Сирож налгар, халқ қўшиқларини тўплаган М.Султонова, Х.Ҳудойбердиев, О.Шамсиева маҳалладошлар ўртасида ёзғу ишлари билан яхши ном қолдирдилар.

ЯНГИ ХАЙРОБОД (ёки Науканда, Пойқабок). Ўшбу маҳалла Самарқанд шаҳрининг шимолий-жанубий минтақасида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида ташкил топган. Маҳалланинг шимолида Хайробо-2, шарқда Қўлобод, ғарбида Новадон, жанубда Маддоҳи, Сўфи Розик билан чегарадош.

Аҳоли асосан Ҳовос (Жиззах вилояти) туманининг Навканда ва Булунгур туманининг Боёвут қишлоғидан қўчиб келган.

Маҳалла ҳудудида ҳаммом (Арқ ҳаммоми), мактаб, ҳовуз, масжид, таҳоратхона, хужралар, қарвонсарой, бакқолик, Ҳожа Абдул Файзи Бағдоди мазори мавжуд. Аҳоли тўқимачилик, қўн ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш, пойафзал тикиш, савдо билан шугулланган.

Фуқаролар ўртасида ҳуқуқшунос Аҳрор Мухторов, адабиётшунос Ҳамдам Тўраев, қавшдўз Мухтор бобо, уста Истам Самадов, қўбқор Шоназар бобо, саллабоф Жўра бобо, нонвойлар Олим ака, Ҳалим акалар эҳтиромга муносиб инсонлар эди.

ТОШКАНДИ. XVIII асрда Самарқанд шаҳрининг жанубий минтақасида ташкил топган. Маҳалланинг ҳудудида Самарқанднинг Девори Қалъа ихота девори мавжуд бўлиб шимолдан Фони ёки Халифа Лаълибек, шарқдан Қози Гафур, ғарбдан Новадон, жанубдан Қози Абдурасул, Иброҳим Ҳожа билан чегарадош.

Маҳаллада масжид қурилиши юз йил илгари амалга оширилган. Бу иш Абдул Қосим домланинг ташаббуси билан амалга оширилади. Ҳовуз, таҳоратхона, хужралар, айвон қаби зарурий бинолар қурилди.

Ана шу тадбирларга Раҳматуллаҳон, Мирзоҳид, Мирхайдар, Мирқурбон, Ўлугхўжа, Ўсмонхўжа, Гани ганқор, Нурмуҳаммад наққош фаол қатнашдилар.

Тошқанди маҳалласида профессор М.Бухоризода, академик М.Исмоилов, Н.Қудратов, Х.Файзуллаев, Абдурашид, Абдурахим, Жамол бобо, Латиф бобо, Мирзиё, Ҳалим бобо сингари хунардандлар ва ўсталар истиқомат қилганлар.

ЮСУФ ҲАРРОТ. Маҳалла XVIII-XIX асрларда Самарқанд шаҳрининг жанубий-ғарбий ҳудудида вужудга келди. Шарқдан Рухобод ва Ёри Амир, шимолдан Масжиди Нақшин, ғарбдан Мулло Қаландар маҳаллалари билан чегарадош.

Масжид, ҳовуз, таҳоратхона, хужралар маҳалланинг қўрғи эди. Бакқолик дўқонлари,

қосиблар устахоналари ҳам маҳалла тарихини яратишга хизмат қилган эди.

Маҳаллада «Хафт духтарон», «Чил духтарон» мазорлари бор. Вайсул Қаран (VIII аср) Ҳазратнинг макбараси маҳалла чегарасида жойлашган.

Удай, Жўракул бобо эгарсозлик, Барот, Шариф, Амоншер, Абдулло бобо аравасозлик, Очил, Саттор бобо бешиксозлик, Каххор, Жунаид Мўминовлар мисгарлик, Исроил, Абдувоҳид бобо ганчкорлик, Жалил Рахмонов йўлсозлик, Баҳром Махсум шоирлик, Даврон Сафоев рассомлик билан шугулланадилар.

ЧАРМГАРИ. Маҳалла XVIII-XIX асрларда Самарканд шаҳрининг жанубий-ғарбий минтақасида вужудга келган. Унинг ҳудудида шимолий-шарқдан Чакар, Зингарон, жанубдан Намозгоҳ, Девори Қўндаланг, ғарбдан Нуробод маҳаллалари жойлашган. Маҳалланинг Савриддинбой боғидаги масжиди XIX асрнинг охирида барпо қилинган эди. 30-йилларда масжид бузилиб, унинг ўрнида фуқароларнинг шахсий ҳовлилари қурилди. XIX асрнинг 70-йилларида Тали Регак ва Чармғари маҳаллаларининг бир қисми университет хиёбони ҳудудига қўшилиб кетди.

Маҳаллада тўрт мазор, қарвонсарой, ҳовуз, таҳоратхона, ҳужралар, булок мавжуд эди. Фуқаролар ёзги мавсумда дехқончилик билан шугулланганлар. Аҳолининг асосий касби қўн маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлгани сабабли қосибларнинг кичик устахоналари бор эди. Шўролар даврида қўнчилик касби тугатилиб, ҳунармандлар «Красный Восток» артелига ишлашга мажбур бўлдилар.

Қўнчилик билан шугулланган Мулло Барақа, Баҳри, Эшонкул, Қўйбоқар, Латиф, Абдуҳолик, Қори Абдувоҳид, мулло Файзи, Зоид бобо, Олим бобо, Мансур боболарни барча эслайди.

ЛОЛАЗОР. Маҳалла XVIII-XIX асрларда Самарканд шаҳрининг жанубий-ғарбий минтақасида вужудга келган. Унинг ҳудудида Жарарик ва милоддан аввалги III-IV асрларда қурилган Девори Қиёмат мавжуд эди. XV асрнинг тарихий ҳужжатлари гувоҳлик беришича, маҳаллага шаҳар девори ва от бозоридаги Боғи Нав чегарадош экан.

Маҳалланинг чегарасида шимолдан Готфар, шарқдан Чармғари, ғарбда Нуробод, Панжоб (эронийлар қишлоғи), жанубдан Хўжа Аҳрор, Хиротийлар, Хафт Зогора, Хўжа Гулом қишлоқлари жойлашган эди.

Ушбу минтақада маҳалла масжиди, ҳовузи, таҳоратхона, ҳужралар, қарвонсарой, мактаб, савдо дўқонлари, гул етиштириш майдонлари мавжуд бўлган.

Аҳолининг асосий касби лола гуллари парваришlash ва унинг савдоси билан боғлиқ эди. Маҳаллада қосиб ва ҳунармандлар ҳам турмуш кечирганлар.

Лолазор тўғрисидаги хотиралар Алишер Навоийнинг асарларида ҳам учрайди.

ҚЎРҒОНЧА. Маҳалла XVIII-XIX асрларда Самарканд шаҳрининг жанубий қисмида вужудга келган. Унинг чегарасида шимолий-шарқдан Регистон майдони, жанубдан Ҳовузи сангин, ғарбдан Қўри Амир ва Рухобод маҳаллалари жойлашган.

Маҳаллада Садриддин Айний, шоир Шоқир Муҳтор, наққош Абдуқодир Боқиев ва давлат арбоби Яҳё Афзали яшаб ижод қилганлар.

ЧАКАР. Маҳалла XVIII-XIX асрларда Самарканд шаҳрининг жанубий ҳудудида вужудга келган. Унинг чегарасида шимолдан Дониёрбек, шарқдан Мулло Қаландар, жанубдан

Юсуф Харрот, гарбдан Тали Регак (хозирги Дарвозаи Хожа Ахрор) маҳаллалари жойлашган.

Маҳалланинг иккита масжиди, мактаб, булок, тахоратхона, хужралар, карвонсарой, бакколлик дўконлари фукароларнинг эҳтиёжини қондирган.

Чакар XV асрда харбий истехком вазифасини бажариб, Чохкар атамаси Калъа маъносини билдиради.

ДОНИЁРБЕК. Маҳалла Самарканд шаҳрининг жанубий-шарқий қисмида XVIII-XIX асрларда ташкил топди. Маҳалла ҳудудининг шимолида Қўлба, шарқда Дарвозаи Хожа Ахрор, гарбдан Масжиди Накшин, жанубда Мулло Каландар жамоалари жойлашган. Маҳалла чегарасида иккита масжид, олтита мазор, мактаб, булок, карвонсарой, хужралар, тахоратхона мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти бузиб ташланган. Маҳаллада мисгарлар, курувчилар, тикувчилар авлоди яшаган. Бу масканда Абдукаюм мисгарни ва унинг авлодларини барча эҳтиром қилади.

РУХОБОД. Маҳалла Самарканд шаҳрининг жанубий-шарқий ҳудудида вужудга келди. XVIII-XIX асрдан бери жамоа шимолий-шарқда Кулолон, жанубда Ғўри Амир, гарбда Юсуф Харрот маҳаллалари билан қўшничилик муносабатларида яшаб келмоқда. Бу сарзаминда XIV асрда Бурхониддин Соғарчий дафн этилган бўлиб, Амир Темур унинг хотирасига атаб мухташам ёдгорлик ўрнатган. Маҳаллада мадраса, масжид, тахоратхона, хужралар, ҳовуз, карвонсарой ва бошқа маданий-маиший бинолар фукаролар хизматини адо этган. Аҳоли хунарамдчилик, бинокорлик, савдо билан шугулланган. Бу ерда фойтунчиларнинг катта авлоди истикомат қилган. Таникли маорифпарвар, жадид, ўз даврининг илгор публицисти, таржимони ва адиби Хожи Муйин Шуқруллаев маҳалланинг фахри ҳисобланиб, бу улуғ зотнинг номини абадийлаштирган уй-музейи томошобинларни хушнуд этмоқда.

СЎФИ РОЗИК. Маҳалла XVIII-XIX асрларда Самарканд шаҳрининг шимолий-гарбий қисмида барпо бўлган. Жанубдан Қўлобод, Хожажон Хожа, гарбдан Дахбеди, шарқдан Юсуфбой маҳалалари чегарадош. Маҳаллада Ўзбекистоннинг илк театр санъати фаолият кўрсатган. «Қўқ қуйлак» ижодий труппасида Халима Носирова, Тамарахоним каби буюқ санъаткорлар бир пардали спектаклларда бош ролларни ижро этганлар. Маҳалла масжиди Сўфи Розикнинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан барпо қилинди. Масжиднинг муаззини, унинг имом-хатиби вазифасида узок ишлади. Кейинчалик масжидга қарашли хужралар ва тахоратхоналар болалар богчасига айлантирилди. Маҳалла ҳудудида ҳаммом, ҳовуз, карвонсарой, бакколлик дўконлари, мактаб, ўрта мазор мавжуд эди. Тожикистон халқ ёзувчиси Фотех Ниёзи, халқ қаҳрамони Исматулло Раҳматуллаев, давлат арбоби Ў.Ғайбуллаев, санъаткорлар Пирмамад Нуржонов, Сангин Бозоров, журналист ва таржимон Юсуф Юнусзода шу маҳаллада истикомат қилган, Садриддин Айний ва Шароф Рашидов ҳам фукароларнинг фидойилари ҳисобланадилар.

ХОЖАЖОН ХОЖА. Маҳалланинг вужудга келиши XVIII-XIX асрларга мувофиқ келади. Унинг шимолий-шарқий қисмида Сўфи Розик, жанубида Кўш Ховуз, гарбида Дахбеди маҳаллалари жойлашган.

Маҳалла ҳудудида XX асрнинг 30-йилларида «Хотин-кизлар меҳнати» фабрикаси ташкил топди. Тарихий маълумотларга қараганда, Захириддин Мухаммад Бобур Самарканддан чиқиб кетиши арафасида шу маҳаллада истикомат қилган обрўли уламанинг ховлисида тунаган экан.

Бу ерда улуг инсон, жадидчилик ҳаракати раҳнамоси Махмудхўжа Бехбудийнинг ховлиси бўлиб, унда алломанинг набиралари ҳозир ҳам яшаб келадилар.

Маҳаллада қосиблар, ҳунармандлар, қурувчилар, бофандалар истикомат қилганлар. Маҳалланинг масжиди, таҳоратхонаси, ҳужралари, ховузи бўлиб, уларнинг аксарият қисми бузилиб, фабрика ҳудудига қўшилиб кетган. Халқ қўшиқлари устаси К.Файзиева шу масканда яшаб ўтган. Маҳалла кейинги йилларда Намуна номи билан юритилган эди.

КОРАБОЙ ОКСОКОЛ. Самарканд шаҳрининг шимолий-шарқий ҳудудида XVIII-XIX асрда ушбу маҳалла ташкил топди. Шимолдан Имом Восе, гарбдан Дахбеди, шарқдан Муборак, жанубда эса Шарбатдор маҳаллалари билан чегарадош. Аҳоли қисман Тошкент вилоятининг Тўйтепа қишлоғидан кўчиб келган.

Корабой Оксокол бой-бадавлат инсон эди. У ўз ҳисобидан учта масжид қолдирган. Шулардан бири маҳалла масжидидир. Ховуз, таҳоратхона, ҳужралар масжид комплексини ташкил қилган. 5 та қарвонсарой, савдо дўконлари маҳаллага қирой бағишлаган.

Маҳаллада Баҳронкул Намозов (адабий таҳаллуси Қори Банда, Ургут туманининг Элпак қишлоғидан) Саудия Арабистонида таржимонлик билан шугулланган, шоир Вофий бўлса Афғонистондаги жомеъ масжидларидан бирида имомлик қилган, бир қатор мумтоз шеърлар ижод қилган. Атоуллоҳон табиб ҳам ушбу маҳалланинг фуқароси эди. Жамоа ахлининг асосий касби ҳунармандчилик эди. Хошим дегрез, Норкул ва Нарзикул халвогар, Махмуд, Пўлод, Маннон, Воҳид темирчилар, Абдурозик, Абдуаҳад этиқдўз, Турсун лажомдўз, Авлиё, Неъмат қулфсозлар, Зубайдулло шоҳибоб, Абдурахмон, Жумабой заргар, Саттор телпақдўз шулар жумласига қиради.

ЯЛАНГБЕК. Самарканд шаҳрининг жанубий-шарқий минтақасида XVII асрнинг ўртасида ташкил топган маҳалла. Маҳалланинг номи Самарканднинг ҳокими Ялангтўш Баҳодирбий билан боғлиқ. Бу тарихий шахс даврида Мадрасаи Шердор ва бошқа машҳур тарихий обидалар бунёд қилинган эди.

Маҳалла Мирзо Пўлод, Ёмини, Факих, Абдуллайс, Дари Занжир, Қози Гафур ҷамоалари билан чегарадош бўлиб, аҳоли ҳунармандчилик, савдо, бинокорлик билан шугулланган. Фуқароларнинг бир қисми Тошкент вилоятидан кўчириб келтирилган.

Масжид, таҳоратхона, ҳужралар, ховуз, баққолик ва бошқа бинолар халқнинг эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган эди.

НИСБАТДОР. Маҳалла Самарканд шаҳрининг жанубий қисмида XV асрда вужудга келган. 1905 йили самарқандлик жадид, маорифпарварлар бу минтақада янги типдаги мактаб очиб талабаларга таълим берган эди. Маҳаллада масжид ва унга қарашли бинолар мавжуд бўлган.

Маҳаллада машҳур усталар Абдуқодири қилқор, Зайниддин Гафуров ва унинг авлодлари

истикомат қилган.

МАДРАСАИ САФЕД. Маҳалла XV асрда Самарканд шаҳрининг жанубий минтақасида барпо бўлган.

Бу крда Хўжа Ахрорнинг ташаббуси, Алишер Навоийнинг илтимоси билан шаҳар ҳокими Хожибек кўмағида мармар билан қурилган икки қаватли мадраса барпо қилинади (1455-1456 йй).

Абу Тохир Хожанинг ёзишича, ушбу мадрасада охириги марта Куръони Каримнинг Усманий нусхаси сақланган бўлиб, унинг устида халифанинг муборак қони тўқилган экан. Маҳалланинг масжиди, ҳовузи, таҳоратхонаси ва хужралари ҳам бор. Бу сарзаминда Юсуф гилкор, Жалолхўжа уста, шоир Гулхани, халқ бахшилари Миробод Мирсаидов, М.Муродова ва С.Хамроқулова истикомат қилганлар.

КОЗИ КАЛОН. Маҳалла XV асрда Самарканд шаҳрининг шарқий ҳудудида вужудга келган. Шарқдан Чангоули, жанубдан Маҳдуми Хоразм, гарбдан Шарбатдор ва шимолдан Қорабой Оксоқол маҳаллалари билан чегарадош.

Маҳалла масжиди XIX асрнинг охирида қурилиб, унинг таҳоратхонаси, хужралари бинонинг мажмуасига қирган эди. Ҳовуз, қарвонсарой, баққолик ва бошқа ижтимоий зарурий иншоотлар фуқаролар хизмати бажарган.

Шоир Назриддин Ҳоди, халқ бахшиси Б.Шақаровни шаҳар жамоатчилиги эҳтиром қилганлар.

Маҳаллада қосиблар ва ҳунармандаларнинг авлоди қадимдан ота меросини ривожлантирдилар. Абдугани аттор ўзининг маҳсулотларини Европа давлатларига элтиб савдо қилишга эришган эди.

Тўқимачилар қудунгарлик (тўқимачиликнинг тури), мих ишлаб чиқарувчилар этиқдўзлик ва налгарликни авлоддан авлодга етказиб ривожлантирдилар. Абдували аттор, Зубайд дехқон, Нуриддин баззоз, Хайдар дурадгор, Тўрақул гилкор, Муллоқон ва Барот қонвойларни, Сангин ва Шарофиддин муаллимларнинг қонини фуқаролар қозир ҳам қалб тўрида сақлаб қеладилар.

МИРЗО ПЎЛОД. Самарқанднинг жанубий қисмида XV асрда вужудга келган бўлиб, шимолдан Яланғбек, шарқдан Чоқардиза, жанубдан Зомини, гарбдан Хавзи қаланд ва Фақих Абдуллайс маҳаллалари билан чегарадошдир.

Маҳалланинг масжиди, ҳовузи, таҳоратхонаси, хужралари унинг мажмуасини ташқил қилади.

Бу сарзаминда таникли темирчилар, айникса, пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (маҳаллий қони ҳам ана шу қасб эқасининг қони билан боғлиқ), қурувчи, зарқарлар ва бошқа қасб эқалари яшаган.

Маҳаллада Самарқанд ва Ўзбекистонда санъат, адабиёт, фан ва маданиятни ривожлантирган талайгина таникли инсонлар истикомат қилганлар. Академик Шавқат Воқидов, шоир Масехо (Тамқид), драматург Исмоил Ақрам, ёзувчи Насим Ражабов, Меҳнат қахрамони М.Нарзиқулова, бастақор Ш.Ақрамов, ҳофиз Ўлмас Султонов шулар жумласидандир.

ЗИНГАРОН. Маҳалла XV асрда Самарқанднинг жанубий ҳудудида вужудга қелди. Унинг шимолий-шарқида Тали Реғак (қозирги университет қиёқони), гарбда Юсуф Харрот,

жанубда Чакар маҳаллалари жойлашган.

Маҳалла аҳолиси эгар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эдилар. Шу билан бирга бешик ясаш, наққошлик, ганчкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган эди. Эгарсоз Мелик бобо, Соле бобо, Аҳмаджон бобо, Мирсаид бобо, наққош Убайдуллоларни шаҳар хунарамандлари яхши билганлар.

Маҳаллада масжид, мактаб, иккита мазор, тахоратхона, ховуз, хужралар бор эди. XV асрни биринчи чорагида маҳалланинг бир қисми Совнархоз биносини қуриш учун, 50-йилларда 8-сон ўрта мактабни қуриш мақсадида давлат тасарруфига ўтказилди. Бу сарзаминда маориф, фан ва маданият арбоблари истикомат қилганлар. Шарқшунос ва матншунос Маъруфи, олим ва жамоат арбоби М.Хакбердиев, профессор Сирожев, Хакбердиев ва Салаховлар яшаб ижод қилганлар.

ОКСАРОЙ. XV асрда Самарқанднинг жанубий-шарқий минтақасида вужудга келди. Унинг шимолида Гўри Амир, шарқда масжиди Накшин ва Ашўр Мухаммад, жанубида Дониёрбек, гарбида Юсуф Харрот маҳаллалари жойлашган.

Маҳалла аҳолисини аксарият кўпчилиги Самарқанд туманининг Сулфа Кабутак қишлоғидан бўлиб, кейинги йилларда бошқа маҳалла ва қишлоқлардан ҳам фуқаролар кўчиб келганлар.

Маҳаллада икки масжид, мактаб, ховуз, мазорлар, тахоратхона ва баққолик дўконлари яқин йилларгача фаолият кўрсатди.

ХОВУЗИ САНГИН. Маҳалла XV асрнинг 20-йилларида Мирзо Улугбек ҳукмронлик қилган вақтда вужудга келган. Унинг шарқда Булбулак, Эски Каландархона, жанубида Аллофи, Кўргонча, шимолида Боғи баланд ва Регистон майдони жойлашган.

Ховузнинг зинапоялари мрамор тошдан бўлиб саккиз қаторни ташкил қилган. Ховуз сувидан Улугбек ҳаммоми учун (ҳаммом Дўстматбой мадрасасининг ёнида, пиёдалар йўлагининг остида) фойдаланилган.

Аҳоли асосан ширинлик маҳсулотлари, эгарсозлик, дурадгорлик, новвойлик билан шугулланган.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида маҳалла шаҳарнинг сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаган эди.

Бу сарзаминда таникли меъмор, усталар, қурувчилар истикомат қилганлар. Жумладан, уста Баҳри, Абдурашид наққош, уста Абдурахим, Саррож, таникли давлат арбоби Яҳё Афзали ижод қилган ва умр кечирган.

МУЛЛО КАЛАНДАР. Маҳалла XV асрда вужудга келган. Унинг номи Гўри Амир макбарасини бунёд этишида фаол қатнашган маърифатли инсон номи билан юритилади. Маҳалла масжиди 1865 йилда, унинг айвони 1902-1904 йилларда қурилган. Қурилиш ишига Абдуҳолик Қурбонов бошчилиқ қилган, Абдуҳофиз ва Ҳожи Абдумажид Ҳолиқовлар масжид айвони қуришга қатнашдилар. Масжидга қарашли ховуз, тахоратхона, хужралар ҳам мавжуд эди.

Хунарамандлар маҳалла аҳолисининг аксарият кўпчилигини ташкил қилади. Мисгарлар Баҳри, Кабир, Яҳё, Эсонқул бобо, заргарлар Абдуҷалол, Ҳамро, Абдуҳоҳад бобо, гилкорлар Урунбой, Абдурахим, Тўрақул, Жўрақул, Усмон, ганчкор Ақрам Умуров, Гайбулло Раҳматов, Исмоил боболар, авлод-аждоди билан ота-боболари меросини давом эттирдилар.

Шоир Рожи, унинг отаси шоир Ходи маҳалланинг фахри ҳисобланади. Таникли жаррох Аҳад Хайдаров, адлия генерали Нор Ёкубов, маорифпарвар С.Нарзиев ва З.Тошпўлатова, саноат ишлаб чиқариш ветерани А.Мухиддинов, рассом К.Амриддинов, шахмат устаси Н.Жалолов, олим М.Ахмедов ушбу маҳаллада истикомат қилганлар.

ДЕГРЕЗОН. XVIII-XIX асрларда ушбу маҳалла Самарканд шаҳрининг гарбий-шимолий минтақасида вужудга келди.

Маҳалла ҳудуди Самарканднинг ўрта аср ихота деворлари ёнида жойлашган бўлиб, унинг чегарасида Ёри девона ва Себзор мазорлари бор. Маҳалланинг Термез кўчасидаги аҳоли ҳовлилари Ёри девона мазорининг бузилган қисмида барпо қилинган.

Маҳалла бир неча йиллар Номозгоҳ маҳалласи тасарруфида эди. 60-йилларда мустақил маҳалла мақоми олдиди.

Жамоанинг иккита масжиди диндорларнинг хизматини бажарган эди. Масжидлар бузилиб, унинг ўрнига савдо дўконлари, дорихона ва бошқа давлатга қарашли бинолар қурилди. Масжидларга қарашли ҳовузлар, таҳоратхона ва хужралар ҳам барҳам топди. Маҳалланинг шарқий қисмида Накшбанд тариқатининг намояндаси Жонфидонинг қабри мавжуд. Абдул Қосим Жонфидо XV асрда яшаб, Ҳазрат Хожа Ахрорнинг яқин муриди эди.

Дегрезлар оиласи маҳаллада кўпчиликти ташкил қилган. Бу минтақада яхчилар (музичи саклаш ва мижозларга етказиш билан шугулланган кишилар) ҳам яшаганлар. Мурод дегрез ҳовлисида каттагина устахона бўлиб, уста ва халифалар дегрезлик билан шугулланган. Тишрезлик ҳам дегрезликнинг бир шакли эди. Аҳмад, Ҳамид, Шариф ва Раҳим бофандалар, Пирмуҳаммад аравасоз, Муқим ва Раҳим налгарлар, Исрофил тадбиркорлик билан шугулланиб маҳалланинг тарихини яратдилар.

МАСЖИДИ НАКШИН. Маҳалла XV- XVI асрларда вужудга келган. Масжид биноси, таҳоратхона, ҳовуз ва хужралар XIX асрнинг иккинчи ярмида қурилган. Бу ишда уста Абдуҳолик ва мулла Абдусаиди Аттор фаол қатнашганлар.

Маҳалла ҳудудида Хожа Рўшнӣ, Дониёрбек мазорлари мавжуд бўлиб, уларнинг номи тарихий манбаларда келтирилган.

Новадон ариғи ёнидаги маҳаллада иккита сув тегирмони, қулолчилик устахоналари мавжуд эди. Бу сарзаминда 400 йил муқаддам қулолчилик қасбини бошлаган Одина қулолнинг авлодлари яшаб келади. Бобонинг неваралари Усто Умар, Тўрақул, Наими қулол, Ёкуби қулол авлодлар меросини ҳозиргача қадар давом эттирмоқдалар.

Таникли гилкор Аҳад бобо, аравақаш Зайни бобо, Жума ва Тохир қассоб, тадбиркорлар А.Жалилов, О.Турсунов, С.Турсунов, маорифпарвар Пўлодов ва бошқа қасб эгалари маҳаллада яшаб, халққа фидойилик намунасини кўрсатдилар.

АШЎР МУҲАММАД. Маҳалла Самарканд шаҳрининг тарихий обидалари кўп ва аҳоли зич жойлашган ҳудудида XVIII-XIX асрларда вужудга келган. Унинг теварағида Дониёрбек, Масжиди Накшин, Қўлба, Шарифхўжа, Луччаккон ва Сўзангарон-1 маҳаллалари жойлашган.

Маҳалладаги масжид, хужралар, таҳоратхона ва ҳовуз ҳозиргача мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари бузилиб шахсий ҳовлиларга қўшилган.

Қосиблар жамоа аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилади. Уларнинг узлуксиз меҳнати туфайли меҳнат тақсимоти ва маҳсулот айирбошлаш жараёни асрлар давомида

ривожланиб келди.

Дурадгорлик асбобларини ишлаб чиқаришга уста Косим, Аминжон, Абдурашид, Исматулло, Абдурозик ва Абдуқаюм аравасозлар, Жўрабой, Ёрмухаммад, Мавлон, Абдунаби кавшдўзлар, Муйин ва Наим совунгар, Усмон сангтарош, кишлок хўжалиги ташкилотчиси Н.Насимов, таникли Кози Кори Ёқуб, маърифатчилар Гафурбек ва Юнусбек Ёқубовлар билан маҳалла фуқаролари фахрланади.

СЎЗАНГАРОН-2. Маҳалла 1960 йили Самарканд тумани «23-феврал» жамоа хўжалигининг Самарканд шахрига чегарадош ҳудудида вужудга келди. Бу минтақада XX асрнинг 30-йилларида «Ўзбекбригада» жамоа хўжалиги жойлашган эди.

Маҳалладан шаҳар аригининг икки ирмоғи оқиб ўтади. Ариқларнинг юқори қисмида сув тегирмонлари ва шаршаралар мавжуд бўлиб, Шароф бобо Адхам боболар дехкончилик билан шугулланганлар.

Маҳалланинг биринчи номи Гулистон эди. Кейинчалик жамоага «Октябр 50-йиллиги» номи берилди. 1992 йилдан бошлаб маҳаллага Сўзангарон-2 номи берилди.

Маҳалланинг ҳудудида Самарканднинг ўрта аср калъаси, Сўзангарон дарвозаси, Ёри девона қабристони ва Сабрато мазори жойлашган. Масжид, тахоратхона, ховуз ва хужралар қурилмаган.

Ушбу сарзаминда хунармандлар истикомат қилганлар. Жумладан, Ражаб, Карим, Амри қассоблар, Насим тунукачи, Мухаммадкул ва Неъмат бинокорлар, Рашид ошпаз, Акрам ва Субхон махсидўзлар билан ёнма-ён профессорлар М.Самибоев ва А.Юсупов, академик А.Адхамов ва маорифчилар М.Бозоров ва Э.Кулизода маданият ходими А.Вализода ва мураббий С.Ахмеджонов, ҳуқуқшунослар С.Шарипова ва Ш.Бахроновлар ўзларидан эзгу ном қолдирдилар.

КОЗИ АБДУРАСУЛ. Маҳалла XVIII-XIX асрларда Самарканд шахрининг буюк Ипак Йўли ва Регистон майдони яқинида вужудга келди.

Маҳалла Орифжонбой, Эски Каландархона, Боғи баланд, Шахрисабзи, Иброҳим Хожа жамоалари билан қадимдан чегарадош.

Масжид, ховуз, тахоратхона ва хужралар маҳалланинг мажмуасига қиради. Ушбу минтақада қовун бозори, шираворлик дўконлари, 4-та қарвонсарой, бакколлик расталари мавжуд эди.

Бу сарзамин шоирлар, публицистлар, олимлар, санъаткорлар макони эди. С.Айни ва Т.Зехни, академиклар М.Нарзикулов ва И.Нарзикуловлар, бастакор Кори Сирож Юсупов ва рассом А.Розиков, олим А.Саиджонов ва публицист Ахрори, ёзувчи С.Гани ва наққош Г.Латипов, маорифпарвар З.Нарзуллаевларнинг ҳаёти ва ижоди шу ерда бошланган эди. Дегрез Мамараим бобо, махсидўз Исмат бобо, бофанда Миразим бобо, шўракчи Рашид бобо, Раҳим ва Мирбако халвогарлар, тижоратчи Абдугафурбой ва Хожи Абдусаломбой ва бошқа хунармандларнинг авлод-аждоди шу маҳаллада истикомат қилганлар.

СЎЗАНГАРОН-1. Маҳалла XIV-XV асрларда Самарканд шахрининг қадимий калъаси ва машҳур дарвозасида вужудга келган. Испаниянинг Мовароуннаҳрдаги элчиси Ръю Гонзалес де Клавихонинг хотираларида, Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома», Зайниддин Восифий, Абдураззок Самаркандий ва Ибн Арабшохнинг асарларида бу тўғрида талайгина фикрлар билдирилган.

Маҳалла ҳудудида Хожа Нисбатдор мазори, болалар қабристони мавжуд. Масжид 1893

йили Хожи Мирвафонинг хомийлигида қурилган. Унинг хужралари, таҳоратхонаси ва ховузи бор эди. Сўзангарон шох кўчасининг очилиши даврида (1870 й) мазорнинг бир қисми, таҳоратхона ва ховуз бузиб ташланган.

Маҳалланинг худудидан Буюк Ипак Йўли ўтади. Ушбу йўлдан амирлар, шоир, алломалар, савдогарлар шарқдан гарбга томон сафар қилганлар.

Ушбу тарихий минтақада XVII аср охири Зардўзи Самарканди, XIX асрнинг ёзувчиси Иброҳим Журъат истикомат қилишган.

Косиблар авлоди асрлар давомида ота-боболари касбини давом эттирдилар. Усмон, Нарзи, Абдуазиз қассоблар, усто Шамси, усто Асли, усто Абдухалиллар, Насри, Шамси, Бўри новвойлар шу сарзаминнинг фарзанди эдилар.

Маорифпарварликда Ж.Баҳриддинов, Р.Ҳамидов, Б.Тўрахўжаев ўзларидан муносиб ном қолдирдилар. Олимлар М.Самибоев, давлат арбоби Х.Самибоев, Ш.Иброҳимов эл манфаати йўлида яшадилар.

ЛУЧЧАКОН. Маҳалла XVIII-XIX асрларда вужудга келди. Унинг масжиди XIX асрда қурилган бўлиб, бинонинг тасарруфига таҳоратхона, ховуз, хужралар қирган.

Масжидни қуришда (1895) уста Юсуф ва унинг шогирдлари жонбозлик кўрсатдилар.

Маҳаллада оилалар авлод-авлод бўлиб истикомат қилганлар. К.Эгамбердиев, Баротов, Йўлдошев, Юсупов, Вафоевлар оилалари маҳалла аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил қилади.

Маҳаллада турли касб эгалари яшаганлар. Ҳамид бобо халвогарлик, Йўлдош бобо аравакашлик, Фозил, Карим ва Аҳмад бобо тижорат, Ҳикмат бобо тамаки етиштириш, Хусайн бобо сангтарошлик, Оқил ака тунукасозлик, Ҳикмат бобо дехқончилик билан шугулландилар.

Тарихий манбаларда маҳаллани Хунчаккон деб аташган. Бу ном Хон Саид Имомнинг фожиаи ўлими билан боғлиқ бўлган ривоятлардан олинган.

БОГИ БАЛАНД. Маҳалла XV асрда вужудга келган бўлиб жамоанинг усталари, меъморлари Регистон меъморий мажмуасини барпо қилишда қатнашганлар.

Маҳаллада 1910 йилда Дўстматбой хомийлигида «Дўстматбой мадрасаси» қурилади.

Унинг пештокида Шердор мадрасасининг расми кичик нусхада солинган эди. Бу сарзаминда Улугбек хаммоми, ховузи сангин ва бошқа иншоотлар қурилиб, уларнинг меъморлик безаклари ва санъати бетакрор эди.

Ҳозир Рассомлар Ҳазинаси ва икки қаватли турар жой биноси жойида маҳалла масжиди, ховузи, таҳоратхонаси ва хужралар мавжуд эди. Бу муқаддас бинолар XX асрнинг 50-йилларида бузиб ташланди.

Ушбу тарихий масканда шоир Жавдан Раҳмонов, таникли уста Баҳри ва Рофе, профессор Ш.Раҳмонов, мураббийлар Қулизода Турсунов, тадбиркор Аҳтам ака, Абдурахим сиёҳкор (пойафзал тикувчи), жамоа арбоби Т.Каримов ва бошқа ҳурматли инсонлар истикомат қилганлар.

АБДУЛЛА КАХХОР МАҲАЛЛАСИ. Маҳалла 1959 йили Яхчихо, Қушхонаи Кўҳна, Қандалотпазон қишлоқлари таркибида вужудга келган. Ушбу қишлоқлар «Ўзбекбригада», «Ўзбекистон» қолхозлари тасарруфида эди. Аҳолининг таркибини 60-йилларда бузилган Растаи Нав, Тағи Шўр, Боғи баланд маҳаллаларидан қўчиб келган фуқаролар ташкил қилади.

Хар бир кишлокнинг масжиди, тахоратхонаси, ховузи ва хужралари бор эди. Маҳалланинг янги марказида бу каби иншоотлар барпо қилинмади. Аҳоли нўхат ковуриш, шўрданак ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Кулол буюмлар ишлаб чиқариш Амри, Нажми, Раббим, Сирож усталар учун ота касби ҳисобланади. Муқаддасой ва Хуррам каби каштадўзларни барча танийди. Тохир ошпаз, Рустам ва Раҳим новвойлар, Ботир, Зубайд ва Мурод қассоблар, М.Вафоева, М.Қаюмова, М.Собирова мураббийлар ўз меҳнатларига муносиб обрў топдилар.

НОМОЗГОХ. Маҳалла XIX асрда ташкил топган бўлиб, унинг номи билан юритилган масжид XV- XVI асрда барпо қилинган.

Масжид Нодир Девонбегининг ҳомийлигида қурилган бўлиб, унинг тасарруфига ховуз, тахоратхона, хужралар ва каттагина бог қирган эди.

Маҳалла ҳудудида маҳаллий бойларнинг боғлари давлат томонидан мусодара қилинганидан кейин, 1928 йили суяк сил касалликлари санаторияси қурилди.

Номозгоҳ масжиди тўғрисида Бобурнинг «Бобурнома», Абу Тохир Хожанинг «Самария» асарларида маълумотлар келтирилган.

Тохир бекасамбоф, Тўракул, Насрикул мисгарлар, Шариф сартарош, Мирзиё қассоб, Зиёдулло наққош, Нарзикулов ўқитувчи, Раҳмон ва Абдулло табиб қабилар маҳаллада узок йиллар истикомат қилганлар.

Маҳаллада улуг ёзувчи Садриддин Айний, Шароф Рашидов яшаб ижод қилганлар. Хўжа Аҳрорнинг авлодлари ҳам шу сарзаминда истикомат этадилар.

ШАРИФХЎЖА. Маҳалла XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳарнинг гарбий қисмида вужудга келган. Унинг теварагида Қўлба, Роҳат, Дегрезон, Ашўр Муҳаммад, Сўзангарон-1 ва Сўзангарон-2 маҳаллалари жойлашган.

Маҳалла масжиди 1878 йилда Шарифхўжа ҳомийлигида қурилиб, унинг тасарруфига ховуз, тахоратхона ва хужралар қирган эди.

Жамоа ҳудудида Самарқанднинг XI-XII аср қалъаси, Ёри Девона қабристон ва бошқа муқаддас жойлар мавжуд. Аҳоли асосан Самарқанд туманининг Қўлба, Мўлиён ва Окмасжид кишлоқларидан кўчиб келган.

Қосиб ва ҳунармандлар маҳалла фуқароларининг аксарият қисмини ташкил қилади.

Шамсиддин Фаҳриддинов бинокорлик, Абдунаби бофандалик, Қурбон, Саидмурод, Бобомурод саллабофлик, А.Абдурахмонов, Муллоҷонов, Сайфуллаев кўнчилик, Хўжакул, Раҳимкул телпақдўзлик, Р.Собирова, Б.Шоқирова жомадўзлик, Х.Набиева, Т.Раҳмонова каштадўзлик, Мулло Умар, Нурулло ва Абдулло халвогарлик, Ақрам, Абдуқарим сартарошлик, Муҳиддин тунуқасозлик, А.Шуқуров аравақашлик билан оила тебратиб маҳалла тарихига асос солдилар.

КАЛАНДАРХОНАИ КЎХНА. Самарқанд шаҳрининг гарбий минтақасида XV асрда маҳалла вужудга келди. Ушбу сарзаминда қабристон бор эди. Унинг теварагида қаландарлар истикомат қилишган. Улугбек мадрасасини қуришда унинг атрофини очиш учун қабристонни бузиш ва қаландарларни кўчиришга тўғри келди. Аҳолининг кўпчилик қисми Қаландархона маҳалласига кўчирилади. Қабристонни зиёрат қилиш учун келган ўзбек тилида сўзлашувчи сайёҳлар маҳаллий аҳолидан қаландарларни сўраганда, улар «бу эски қаландархона» деб жавоб берганлар. Ўша вақтдан бошлаб маҳалла ана шу ном билан юритиладиган бўлди.

50-йилларда қабристон ва унинг ҳудудидаги хонақоҳ бузиб ташланди. 30-йилларда бу минтақада янги мактаб биноси қурилди. 2006 йилда мактаб биносини бузиш жараёнида унинг остидан қабр ва мақбаралар топилди.

Маҳалла ҳудудида масжид, хужралар ва таҳоратхона ва ҳовуз бор. Бу минтақада тўртта қўл ҳам мавжуд эди. Бинобарин бу жойни Тўртқўл деб атаганлар.

Маҳалла аҳолиси турли касб билан шугулланиб келган. Абдурасул қарвонбоши, Оламкул саройбон, Хўжакул ва Барот тадбиркорлар, маорифчи Офтобхон Тоҳирова, давлат арбоблари Р.Сатторов ва Р.Хайитов, Иноят бобо халвогар, Асади харбуза, Солех бобо табиб ва бошқа ҳунармандлар маҳалладошларнинг фахри ҳисобланади.

ШАРК (ЯХУДИЙЛАР). Маҳалла XVIII асрда вужудга келган. Ҷамоа Самарканд шаҳрининг мустақил этник тизими ҳисобланган. Унга қалонтар (оқсоқол) лавозимига сайланган нуфузли инсон раҳбарлик қилган эди.

Шарк маҳалласи Чоқардиза, Шох Қаш, Чанговли, Жўғихона, Оби Машҳад, Муборак ва Имом Восе ҷамоалари билан чегарадошдир.

Бу сарзаминда аҳоли қосибчилик билан шугулланган. Улардан шоир Зебохон, Расиби (XVII-XVIII), артистлар Боруҳи Қалхот, Леви Бобохонов, М.Толмасов, Г.Муллоқандов. Я.Ғадоев, шоир Ю.Қураев, рақсом Ю.Элизаров ва б. машҳур бўлган.

БОЛОИ ҚАЛЪА. Маҳалла XVII-XVIII асрларда ташкил топган. Унинг ҳудудида Самарқанднинг ўрта аср қалъалари, Хўжа Аҳрор дарвозаси, Новадон ариғи, Себзор мазори, авлиёлар қабри жойлашган, Мулло Қаландар, Масжиди Нақшин, Дониёрбек, Чақар ва Дарвозаи Хўжа Аҳрор маҳаллалари ҷамоага чегарадошдир.

XIX асрда маҳалла Дарвозаи Хўжа Аҳрор ва мулло Қаландар маҳаллалари тасарруфида эди. Ўша йилларда аҳоли ўз маҳалла масжидини барпо қилиб унга Масжиди боён (Бойлар масжиди) номини бердилар. Кейинчалик бу масжид бузилиб, янги масжид биноси қурилади. Унинг таркибида таҳоратхона, хужралар ҳам бор эди. Бу масжид ҳам бузиб ташлангач, унинг ўрнида чойхона қурилди.

Маҳаллада қосиб ва ҳунарманд оилалар истиқомат қилганлар. Саид зарғар, Ақрам бешиқсоз, Ҳайдар сартарош, Жўракул ва Ҳайдар ишқорпазлар, Раҳим халвогар, Муҳаммадкул новвой, Амонбой тадбиркор, маорифпарвар М.Ғиёсов, савдо-тижорат ташкилотчиси С.Баҳриддинов ва бошқа касб эгалари маҳалланинг асил фарзандлари ҳисобланади.

ДАРВОЗАИ ХОЖА АҲРОР. Маҳалла Самарқанднинг қадимги дарвозаларидан бирида жойлашган. Бу минтақада Себзор қабристони, Жонқидо ҳазратларининг қабри, Хожа Рушнотининг муқаддас қадамжойи, Новадон ариғи ва Қоризғоҳ қабри тарихий ва археологик масканлар жойлашган.

Маҳалланинг Дарвозаи Берун ва Масжиди боён қабри масжидлари, уларга қарашли ҳовузлар, таҳоратхона ва хужралар бор эди. Бу иншоотлар XX асрнинг 40-50 йилларида бузиб ташланди.

1912 йилда шаҳар губернаторининг қарори билан масжиднинг ёнидан булок суви қўча ёқасига чиқарилиб, тошдан оҳури ўрнатдилар. Улов ва пиёда йўловчилари булок сувидан фойдаланганлар.

Маҳаллада сомон, ўтин ва мева билан савдо қилувчи бозор мавжуд эди. Самарқанд шаҳрида илк вино цехи ҳам шу минтақада қурилди.

Маҳалла фуқаролари қосиб ва ҳунармандлар билан фахрланадилар. Тўра ва Қилич аравақозлар, Қодир, Уқмон қартарошлар, Баҳри қовунгар, Умар дарвозабон, Тошпўлат бобо винопаз, шоир Гулҳани, маорифпарвар Х.Юносов ва Б.Саломов қабир таниқли шахслар баракали умрини ана шу қарзаминда ўтказганлар.

ДЕВОРИ ҚЎНДАЛАҢГ. Маҳалланинг номидан маълумки, бу минтақада Девори Қиёмат қалъаси маъжуд бўлиб, у қадимда барпо қилинган. Маҳаллий ернинг нотекис бўлганлиги боис қалъа бир текис қурилмаган экан. XX асрнинг 30-йилларида қалъанинг қолдиқлари қолҳоз майдонларига айлантирилади.

Маҳалла ҳудудида қаттаю-қичик мазорлар бор. Жумладан «Хафт додарон» мазори қўпчилиқнинг муқаддас жойига айланган.

Бу қарзаминда иккита масжид-Урганжи ва «Масжиди Санги қалон» маъжуд эди.

Масжидларга қарашли таҳоратҳона, ҳовуз ва ҳужралар бузилиб қетди.

Маъхур усталар ва наққошлар Муқум бобо Вали, санъатқорлар А.Зубайдуллаев ва С.Шуқурова, жамоат арбоби Яхъё Афзали, уста деҳқонлар Мулло Баҳри, Хотам ака, маориф қонқуярлари М.Нарзиев, А.Сайфиқдинов, олимлар А.Аҳтамов ва Б.Рустамов ана шу заминда истиқомат қилиб, эл хизмати адо этганлар.

САДРИҚДИН АЙНИ. Таниқли тожик ёзувқиси номи билан юритилган шох қўчаннинг бошланишида 1970 йили вужудга қелган маҳалла тасарруфида Тути Худойи, Хазорбоғ қишлоқлари бор эди. Унинг ҳудудида Дамдаржўш қабриқтони ва масжиди маъжуд эди. Уста Абдусаттор ҳомийлигида Эшонқишлоқ, Тути Худойи ва Мўлиён қишлоқларида уқта масжид қурилади. Аммо маъкур муқаддас жойлар 30-40 йилларда батамом бузилиб қетди.

Чархипалақчилар, шу маҳалланинг ақил фарзанди эдилар. Уста Гани ва уста Зиё соҳанинг зуққо муқақассислари эдилар. Халвогарлар Азим ва Саид бобо, Узок, Умар ва Салоҳиддин миҳгарлар, Облоқул ва Эргаш сандикқозлар, Миробод бобо мўқидўзлар, Розик ва Парда галтақбоқлар, Пўлат ошпаз, Исроқил ва Исроил қассоблар, А.Хақимов (маорифчи) қабир шахслар маҳалладошлар қалбида абадий муҳрланиб қолган.

РОХАТ. Маҳалла XVII-XVIII асрларда Самарқанд шахрининг Самарқанд тумани билан туташган минтақасида вужудга қелган.

Унинг ҳудудида шахар ариғи, Ёри Девона ва Себзор қабриқтони маъжуд бўлиб, Термез қўчаси Буюқ Ипақ Йўлининг марқазида жойлашган. Бундан ташқари, маҳалла қегарасидан Хожа Абди Берун қабриқтони томон қуриган қадимий Марв номи билан маъхур шох қўча ҳам бор.

Маҳаллада масжид, ҳужралар ва таҳоратҳона маъжуд эди. Бу иншоотлар 30-йилларда бузилиб қетди. Шахарлиқларга хизмат бажо қелтирган Қўш теғирмонлар ҳам ана шу қарзаминда эди.

Маҳалла Мўлиён ва Номозгоҳ маҳаллаларига қўшилди ва кейинчалиқ муқтақил жамоага айланди. Унинг ҳудуди қўшни «23 феврал» ва Қуйбишев номли қолҳоз майдонлари ҳисобидан қенгайтирилди.

Ушбу минтақада 20 дан қўп ҳунармандчилиқ қиллари маъжуд эди. Наби ва Баҳри қавшдўзлар, Қорабой боқанда, Мақид маҳсидўз, Файзи қилқор, Ақли ва Мирбобо

заргарлар, Зоҳид ва Ҳамрокул налгарлар, Раҳмат ва Салоҳ баққоллар, Муӣин ва Зиё халвогарлар, Ҳожи фонусчи, Ҳолик муаллим сингари инсонлар халол меҳнат туфайли абадий ном қолдирдилар.

ҲОНСАИДИМОМ. Маҳалла Самарқанд шахрининг тарихий обидаларига бой минтақасида вужудга келган. Унинг ҳудудида Новадон тарихий ариги, Гўри Амир комплекси, Оксарой ва Рухобод жойлашган.

Маҳаллада араб лашкарбоҳиси Ҳолид ибн Валид, тасаввуф тариқатининг йирик намояндалари Саид Аҳмад Вали, шайх Аттори Валиднинг қабрлари бор.

Ҳонсаидимом қорахитой қавмига мансуб шахс бўлиб, жомеъ масжидида гайридинлар томонидан ўлдирилган ва шу ерда дафн этилган.

Маҳалла аҳолиси ўртасида қосиб ва ҳунарманд оилалар қадим замондан яшаб келадилар. Одина, Турсун, Умар, Наими қуллоллар, Ортиқ, Шуқур заргар, Зиё ва Абдуҳамид гилқор, Ашўр шоҳибоб, Ёдгор налгар, Тўракул дурадгор, Султон доирасоз, Муҳтарам опа қаштадўз, Норбой қассоб шулар жумласидандир.

Таниқли шоирлар Мулла Монеъ ва Мунъим (XVII аср), маърифатпарварлар Мулло Саъдулло ва Лутфулло, ёзувчи ва таржимон Қибриё Қахҳоровалар ўз ижодий фаолиятларини ана шу заминда бошлаганлар.

Ҳамоат арбоблари Султон Исрофилов, ҳуқуқшунослар Қурбон Содиков ва Бозоркул Ҳайдаров, Муҳаммаджон Умаров сингари жонқуяр инсонлар ватан учун хизмат қилишни фуқаролик бурчи деб яшадилар.

ҲАФУР ҲУЛОМ МАҲАЛЛАСИ. 1960 йилларда Самарқанд шахрида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланиб Ҳавзи Сангин, Боги баланд, Аллофи, Тўқумдўз, Мотрид, Лаби қор, Булбулак маҳаллалари барҳам топди. Аҳоли Самарқанд туманига қарашли Қенжа ёғчи, Яхчиҳо, Қандалотпазон, Қушқонаи Қўҳна қишлоқларида янги ҳовли-жой қуриб яшай бошладилар. Натижада 1967 йили маҳалла барпо бўлди. «Қизил Октябрь» қолҳози ҳудудида аввал Мулиён-1 ва Мулиён-2 маҳаллалари вужудга келди. Кейинчалик ана шу маҳаллалар тарқибиди Қаландарқона, Г.Ҳулом, Ҳамза, Ҳ.Иброҳим, Қўшқинор, Қохат ва С.Айни маҳаллалари вужудга келди. Ҳар бир қишлоқнинг ўз масжиди бор эди. Масжидларни қуришда усто Абдулқайз, Қобил ақаларнинг ҳиссаси қатта эди.

Бу сарзаминда талайгина қосиблар яшаганлар. Жумладан, Зиё ва Абдуғани қарҳипалақчилар, Қенжа ёғчи, қаштадўзлар Қ.Қустомова ва С.Қозикова, таниқли баастақор Набиқон Ҳасанов ва Р.Ҳамроқулов, саноат ташиқлотқиси Б.Ҳамроқулов, шоир Салим Қенжа ва бошқа ижодқорлар умр кечирганлар ва айримлари фаолият қўрсатиб келадилар.

ҲАЛИФА ИБРОҲИМ. Маҳалла Самарқанднинг қадимий минтақаларидан бирида вужудга келган. Унинг ҳудудида Ҳожа Абди Қарун, Сулфа Қабутак, Ҳалифа Иброҳим ва Қистамазор қабристонлари, Жўйи Даштак ва Мўлиён қаби тарихий жойлар ва қишлоқлар маъжуд.

Ҳалифа Иброҳим тасаввуф тариқатининг арбоб бўлиб, унинг муридлари Афғонистонда ҳам яшаганлар. Афғонистон шоҳи Абдурахмонқон ўзини Ҳ.Иброҳимнинг муриди санаб, 1860 йили шайхнинг қабрини таъмирлагани, унда гумбаз ўрнатгани фикримизнинг далилидир.

Маҳалла «Ўзбекбригада», «Кизил Октябрь» ва «Комсомол» колхозлари ҳудудида XX асрнинг 60-йилларида ташкил топган. Жамоа тасарруфидаги саккиз ховуз, тўрт масжид ва уларга тегишли хужралар ва таҳоратхоналар 70-йилларда бузилиб кетди.

Маҳаллада хунармандлар авлод-авлоди билан яшаганлар. Зиё ва Гани усталар, Тўйчи кавшдўз, Ҳаким ва Ражаб чорвадорлар, милиция ходими И.Шарипов, хотин-кизлар ҳаракати ташкилотчиси И.Шарипова, табиб Ж.Исаев, ўқитувчи Х.Бокиева ва бошқалар маҳалла тарихида ном қолдирдилар.

КЎЛБА. Маҳалла Самарканднинг қадимги қалъаси, Хўжа Ахрор ва Сўзангарон дарвозаларига туташган жойда вужудга келган.

Маҳалла чегарасида қадимги Ёри Девона, Себзор қабристонлари, Дониёрбек мазори, Новадон ариғи жойлашган. Самарканд туманининг Қўлба ва Андижони қишлоқларидан қўчиб келган.

Аҳоли турли касб билан шугулланган. Уларнинг орасида Кули, Шариф бобо аравакашлар, уста Худойкул бобо, Эргаш ёғчи, Гулом қассоб, Бобомурод қўнчи, Тўракул бўёқчи, Узок ва Ахрор этикдўзлар, жамоат арбоби А.Норбоев, Тошқанди бобо тадбиркор, маорифчилар С.Марупов ва Ф.Сирожева, профессор Х.Каримов шу сарзаминнинг асил фарзандларидир.

Масжид биносини қуришда Хожи Маъдихўжанинг ҳиссаси катта. Бу инсон ўз маблағи ва фуқароларнинг ҳашари билан маҳалла масжидини, хужралари ва таҳоратхонасини барпо қилишда бевосита қатнашди. 1950 йилларда масжид давлат тасарруфига ўтказилиб унга тегишли бинолар ва ховуз бузиб ташланди.

КИРЧА. 1985 йили Самарканд туманига қарашли Боғи баланд қишлоқ шўроси ва Боғи майдон қишлоғига қарашли минтақаларда янги маҳалла ташкил топди. Унинг ҳудудида М.Улугбек асос қолган расадхонанинг Қўҳак тепалигининг давоми, Галаосиё, Афросиёб шаҳарчасининг чегараси мавжуд. Маҳаллада Ҳазрат Дониёр қабри ҳам бор.

Бу минтақани тарихий манбаларда Мироҳури ва Боғи Накши Жаҳон деб ёзилган. Амир Темур бу ерда от ва бошқа уловларни сақлайдиган оҳур қурдирган. Кейин М.Улугбек боғ яратиб, унинг супасини мрамор тошлар билан безаб, уларга юлдузлар нақшини қолдирган экан.

Маҳаллада масжид ва унга тегишли бўлган бошқа зарурий бинолар мавжуд эди. 30-йилларда масжид биноси қаровсиз қолди ва кейинчалик бузилди.

Қадимдан қосиблар бу масқанда истикомат қилганлар. Муродкул, Ўрун ва Гани лажомдўз ва тўқумдўзлар, Жума қамчинбоф, Максуд ва Ориф қавшдўзлар, Амон ва Раҳим қўнчилар, Мелик ва Иброҳим темирчилар, Қобил ва Наби дурадгорлар, Саттор ҳалвогарлар, Мансур баққол, Бўрикул жувозқаш, Эсон мисгар, Эргаш ва Саидмурод қассоблар, Исом ва Фозил новвойлар, Яҳё ва Воҳид тунуқасозлар, Бекмуҳаммад телпақдўз, жами 19 касб эгалари яшаган.

ОБИ МАШҲАД. Маҳалла Самарканд шаҳрининг шарқий-шимолий қисмида жугрофий тузилиши нисбатан ноқулай жойда вужудга келган. Унинг ҳудудидан Оби Машҳад ариғи ва унга қуйиладиган бошқа катта ва кичик ариқлар оқиб ўтади.

XV асрда маҳалла чегарасида Шайхлар (кейинча Амиробод деб аталди) маҳалласи ташкил топди. XX асрнинг 30-йилларида қўн заводи ва «Хужум» фабрикаси барпо қилиниб, маҳаллага тегишли қабристон ва турар жойлар бузилади.

Шайхлар маҳалласида масжид ва ҳовуз қурилган эди. Унинг марказидаги Майдони Лаълда фуқаролар сайил ва хайит байрамларини ўтказишга одатланган эдилар. Маҳалланинг фахри бўлмиш қосиблар авлоди яқин йилларгача фаолият кўрсатиб келдилар. Шермуҳаммад, Ёрмуҳаммад ва Мирмуҳаммад эгарсозлар, Султонхон этикдўз, Маъруф заргар, Мухторхон нонвой, саноат ишлаб чиқариш илгорлари А.Султонов, Х.Султонова, М.Нумонов, маорифпарварлар Мухташамхон, табиблар Мукаддасхон ва Султонхон, дуохонлар Гуломхон ва Эшони Алихонларни маҳалладошлар унутмайдилар.

ОРИФЖОНБОЙ (ЗАРДЎЗОН). Маҳалла XV-XVI асрларда вужудга келди. Маҳалланинг аввалги номи Зардўзон бўлиб, аҳоли зардўзлик билан шугулланган. Ана шундай инсонлардан бири Саидқамол (1657 й) бўлиб Фитрати Зардўз адабий таҳаллуси билан асарлар ёзган. Зардўзнинг «Голибу матлуб» достони тўғрисида Малехо Самаркандий ўз асарларида ёзган эди.

XVIII асрда тошкентлик тадбиркор Орифжонбой бу минтақада иккита масжид солдиради. 30-йилларда маҳаллий зиёлилар (Кори Исмат) бошчилигида болалар қабристони текисланиб, бошланғич мактаб, бог ва дам олиш майдони барпо қилинди. Маҳалла зиёлилари билан Саидахмад Васлий, Сиддики Ажзи қаби маърифатпарварлар халқнинг саводини чиқаришда фаолият кўрсатганлар.

Бу сарзаминда талайгина олимлар ва ёзувчилар яшаб ижод қилдилар. Обид Исмат, Аъзам Шаҳиди, Ходизодалар сулоласи фан ва маданиятнинг равнақи йўлида фидойилик кўрсатдилар.

Қосиблар сулоласи аҳолининг кўпчилигини ташкил қилади. Каюм этикдўз, Қарим қилкор, Ҳасан новвой, Тошқул бодхон, Болта ошпаз, Амин маҳсидўз, Нарзулло пичокчи, Нарзиқул аравасоз, Насим халвогар, Амини темирчи қаби ҳунармандларнинг номини ҳозиргача маҳалладошлар эслайдилар.

ХАЛИФА ЛАЪЛИБЕК. XVII-XVIII асрларда вужудга келган маҳалла сиёҳкорлар (этикдўзлар)нинг пири номи билан юритилади.

Маҳалланинг масжиди тошкентлик бадавлат шахс Дўстматбойнинг қорвачилиқдан олган бир йиллик даромадидан барпо қилинади. Бой яна қўшни Баландқўпрук маҳалласи масжидини ҳам ўз маблагидан бунёд этган экан. Х.Лаълибек масжидини баъзилар Эшонмасжид деб юритадилар. 1966 йила фуқаролар ихтиёрига берилди. Ушбу маҳаллани баъзи адабиётларда Фони маҳалласи деб атайдилар. Ҳозирги 27-сон ўрта мактаб жойида Фон (Панжакентнинг қишлоқларидан бири)дан қўчиб келган муҳожирлар яшаган эди. Ана шу қишлоқ номи билан юритилган жамоа кейинчалик Х.Лаълибек билан алмаштирилади.

Маҳаллада Маҳдуми Аъзам авлодидан бўлган бир неча оила истикомат қилади. Шулардан бири Халифа Саид Абдулқосимхон бўлиб, нақшбанд тариқатига эътиқод қилган экан. Бу шахсни баъзилар эшонимиён деб атаганлар.

Бу тарихий масканда қосиблар авлоди асрлар давомида яшаб меҳнат қилганлар. Мажид, Исом, Маъди маҳсидўзлар, Қобил ва Жамол усталар, Кори Ҳусени Саррож (лажом тикувчи), Мардон мисгар, Мамадқул сандиксоз, Исматулла сартарош, Сайфуллахон ва Мардон бофандалар, Наби

ва Раззоқ қассоблар, Тўрақулов муаллим, М.Атоев олим ва бошқа ўнлаб қосиб ва зиёлиларнинг номини келтириш мумкин.

ОЙСАВАТ. XIV асрда вужудга келган бу маҳаллада Самарканд тарихшунослигида маълум бўлмаган бир неча тарихий мукаддас жойлар мавжуд. Жумладан, Чилдухтарон, Махсум девона, Шохкосим, Анвари озари мазорлари шу минтақада жойлашган. Яна фуқаролар ўзлари учун ховлилар барпо қилган жойларни «Бузрукворлар чорбоғи» деб юритадилар. Маҳалла масжиди иккинчи жаҳон урушигача мавжуд эди. Унинг хужралари, таҳоратхоналари бузилиши билан халқ қурилиш материалларини ўзлаштириб олдилар.

Турли касб эгалари бу масканда ота-боболари меросини сақлаб келадилар. Хожибойбачча тадбиркорликда уста инсон эди. От савдоси билан шугулланган бойнинг Афғонистон ва Эрон, Марказий Осиё бозорларида кўпгина миқозлари бор эди. Мирэхсон дўппидўз, Баҳриддин маҳсидўз, Каюм этикдўз, Махтобой, Маҳкамбой паранжидўз, Мелик ва Тохир кассоблар, Робия опа новвой, Курбон халвогар, Самад ошпаз, Насим чармгар, Бобораҳим ашулачи каби ҳунарманд ва санъаткорлар эл ардоғида яшадилар.

КАЛАНДАРХОНА. Маҳалла Самарканд шахрининг жанубий-шарқий минтақасида XV асрда вужудга келган. Бу сарзаминда асосан ислом динининг яссавия тариқатига мансуб бўлган рухонийлар истикомат қилганлар.

Абу Тохир Хожанинг «Самария» асарида ёзишча, Ҳазрат Хожи Сафо бобонинг мазори ва унинг номи билан юритилган каландарлар қабристони мавжуд. Бу тарихий шахс Муҳаммад пайгамбарнинг қулоҳ ва жандасини Хожи Абдурахмон бобо каландардан мерос олиб қийганлар. Бу зотдан кейинги асрларда жами 39 таникли каландарлар бу анъанани давом эттирганлар. Хожи Сафо бобонинг беш фарзанди бўлиб, улардан Ражаб номли ўғли пешқадам диний арбоблардан эди. Рум ва Мисрда ўз маблағидан бир неча тақиялар (диний бинолар) солидириб Қоҳирада оламдан ўтган.

Тарихий манбаларда «Бу минтақада Хожа Муҳаммад Фазлий «Шақикий Балхий мазори» шаҳар дарвозаси бўлган ва ўтган замонларда «Фирўза дарвозаси» деб аталадиган Каландархона дарвозасининг ичида» деб ёзилган. (51-бет).

МИРЗО УЛУГБЕК. Маҳалла Самарканд шахрига чегарадош Самарканд туманининг Гулистон жамоа ҳўжалиги ҳудудида 1977 йили ташкил топди. Жамоанинг умумий майдони 20 гектарни ташкил қилиб, Қўл, Темирчи, Навбоғчиён, Бекхо, Хаймари Боло, Хаймари поён, Лолазор маҳаллалари билан қўшнидир.

Абу Тохирхожанинг «Самария» асарида 7 маҳаллага қўшни қишлоқларда, хусусан, Қўл маҳалласида араб лашкарлари Қутайба бошчилигида 7 ой тайёргарликдан сўнг Самаркандни ишғол этган. Ана шу даврда «Қўли моғиённи» барпо қилиб, бу сарзаминда истехкомлар, боғлар, сув иншоотлари ва йўллар бунёд этганлар.

Маҳалланинг ҳудудида Чилдухтарон қабристони, Қамолитдин авлиё мазори каби мукаддас қадамжолар мавжуд. Қамолитдин авлиё номи билан юритилган масжид шўролар даврида бузилди. Масжидни тиклаш ва ишга туширишда профессор Турсун Қолматовнинг хизмати катта.

Маҳаллада талайгина меҳнат фаҳрийлари, таникли уста ва меъморлар истикомат қиладилар. Бойқўнгир космодромининг қурилишида фаол қатнашган Қасан бобо Қўрақулов, Қаттақўргон сув омбори ва Фарқод ГЭСи қурилишида қатнашган Аҳмад бобо Қўзиев, Ўзбекистоннинг полвонлари Алимардон, Шариф, Абдулло ақалар шулар жумласидандир.

Маҳаллани олимлар жамоаси деб айтишларига асос бор. Академик Б.Ширинқулов,

проф.Н.Турниёзов, Т.Холматов, Ж.Пиримкулов, таникли рассом Э.Мухаммадиев жами 13 миллат вакиллари истикомат қилаётган фуқаролар билан ахил фаолият кўрсатмоқдалар.

Маҳалланинг Турон, Турон-1, профессорлар Лолазор, Бобур, Махзуна, Кори Сирож, А.Яссавий, Жалол Жўраев номли кўчаларда 504 оила, жами 2376 минг аҳоли билан мустиқликка шукрона айтиб яшамокдалар.

Хуршед Самибоев